

«зеленых сертификатов». Система подтверждает, что продукция производится с использованием возобновляемых источников энергии и экологически чистых технологий, а также позволяет контролировать все соответствующие процессы. В частности, производители оборудования, использующего возобновляемую энергию, смогут продавать «зеленые сертификаты» производителям продукции и потребителям, гарантируя тем самым «чистоту» энергии.

В заключении, переход на зеленую энергетику является приоритетным направлением развития экономики Узбекистана по многим причинам. Во-первых, это способствует снижению выбросов парниковых газов и борьбе с климатическими изменениями. Во-вторых, использование возобновляемых источников энергии, таких как солнце, ветер и вода, позволяет обеспечить долгосрочную и устойчивую энергетическую безопасность. В-третьих, развитие зеленой энергетики стимулирует экономический рост и создание новых рабочих мест в сфере экологически чистых технологий и инноваций. Наконец, переход на зеленую энергетику может стать важным фактором для повышения уровня жизни, улучшения здоровья населения и сохранения окружающей среды для будущих поколений.

Список использованной литературы:

*Постановление Президента Республики Узбекистан, от 04.10.2019 г. № ПП-4477
<https://www.un.org/ru/climatechange/reports> МГЭИК | Обобщающий доклад по изменению климата, 2023 год*

<https://data.worldbank.org/indicator/EN.ATM.CO2E.KT?end=2020&locations=1W&start=1990&view=chart>

Вахабов Абдурахим Васикович, Хажибакиев Шухрат Хужсаёрович НЕОБХОДИМОСТЬ И ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ПЕРЕХОДА К «ЗЕЛЕНОЙ ЭКОНОМИКЕ» В УЗБЕКИСТАНЕ // Экономика и финансы (Узбекистан). 2021. №Спецвыпуск 4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/neobhodimost-i-prioritetnye-napravleniya-perehoda-k-zelenoy-ekonomike-v-uzbekistane> (дата обращения: 23.10.2023).

Навстречу «зелёной» экономике: пути к устойчивому развитию и искоренению бедности / Штайнер А., Айрис Р., Бесса С. и др.: ЮНЕП/Грид Арендал, 2011. С. 17.

РАҚАМЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ЗАМОНАВИЙ ЁШЛАР МЕҲНАТ БОЗОРИ

*М.И.Асқарова, илмий ходим
Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридағи "Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришининг илмий асослари ва муаммолари" илмий тадқиқот маркази*

Ёшлар жамиятнинг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳаётида муҳим роль ўйнайди, шунинг учун ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳозирги босқичида уларнинг меҳнат бозоридаги хатти-харакатларини назорат қилиш айниқса муҳимдир.

XXI-асрнинг биринчи ўн йилликларида рақамлаштириш шароитида фаолият имкониятларини сезиларли даражада кенгайиб, шу билан бирга

ижтимоий тенгсизликни кучайтирадиган янги фаолият турлари, касблар ва корхоналар турлари пайдо бўлди.

Ёшлар меҳнат бозори муаммоси Европа ва Жанубий -шарқий Осиё мамлакатларида ҳам маҳаллий аҳолининг қариши муаммоси билан тўлдирилади. Айни пайтда Европа Иттифоқи мамлакатларида ишсиз ёшларнинг энг катта фоизи Жанубий ва Жануби-Шарқий Европада кузатилмоқда. Уларнинг асосий қисмини 16 ёшдан 32 ёшгacha бўлган эркаклар ташкил қилмоқда. Бундан ташқари бу мамлакатлардаги вазият қочқинлар оқими билан мураккаблашган бўлиб, уларнинг асосий қисми ёшлар эканлиги ачинарли ҳолдир. Европадаги ёшлар меҳнат бозоридаги акс таъсир кўрсатувчи вазият ёшларнинг давлат томонидан таклиф этилаётган бўш иш ўринларини эгаллашни истамаслиги билан боғлиқ ва бу муҳожирлар туфайли рақобат кучайганига қарамай, ишсизлик бўйича ижтимоий нафақа олишда табақалаштирилган ёндашувнинг мураккаблигидир. Илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчиларнинг фикрига кўра бунинг сабабини касбий тайёргарликнинг ўзига хос хусусиятлари ва юқори малакали мутахассисларга замонавий меҳнат бозори талаблари ўртасидаги номувофиқликда деб изохлашмоқда [1]. Бундан ташқари, кам малакали ишчилар учун бўш иш ўринларига кириш, ишлаш учун рухсатномасиз ёки вақтинча меҳнат рўйхатидан ўтмасдан ходимлар хизматидан фойдаланадиган фирмаларнинг ўсиши билан мураккаблашади.

Ёшлар ишсизлиги муаммосини ҳал этишнинг муайян босқичи 2007 йилда меҳнат бозорини ислоҳ қилишнинг умумий тамойилларига сезиларли ўзгаришлар киритган Лиссабон шартномасининг қабул қилиниши бўлди. Меҳнат бозори фаолиятининг асосий стратегияси «эгилувчанлик» тушунчаси эди. Ушбу концепция ходимларни ишдан бўшатиша кўпроқ мослашувчанликни ва ҳозирги вақтда кўпроқ талаб қилинадиган янги иш учун кейинчалик қайта тайёрлаш имкониятларини кенгайтириши назарда тутади. Бир қатор Европа давлатларининг ижтимоий сиёсатида «эгилувчанлик» концепциясини амалга ошириш амалиёти шуни кўрсатди, у асосан йирик миллий компаниялар ва трансмиллий бизнес манфаатларига жавоб беради, шунингдек, меҳнат бозорида ёшлар бўш иш ўринларини сифатли танлаш имкониятларини сезиларли даражада камайтиради. Масалан, Германияда сўнгги 10 йил ичida энг паст ишсизлик даражаси расман қайд этилган - 3,4% [2]. Немис ёшларини меҳнатга рағбатлантиришнинг ўзига хос хусусияти - бу юқори сифатли меҳнат рағбатлари ва ижтимоий кафолатларнинг мавжудлиги. Германиянинг меҳнатга лаёқатли аҳолисининг аксарияти юқори иш мотивациясига эга [3]. Бу нафақат Германия ички бозорининг анъанавий хусусиятлари, меҳнат бозоридаги юқори рақобат, балки биринчи навбатда Германия ижтимоий қонунчилигининг юқори меҳнат харажатларини таъминлашга қаратилган ўзига хос хусусиятлари билан ҳам изохланади. 2015 йилда энг кам иш ҳақи тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Ҳозирги вақтда Германия меҳнат бозори қуйидаги ҳодисалар билан тавсифланади:

Биринчидан, ўртача иш ҳақининг ошиши ва ишсиз аҳоли фоизининг қисқариши; бундан ташқари, Германияда ҳар бир ходим бандлик соҳасига қараб рағбатлантирувчи бонусларни олади.

Иккинчидан, бир вақтнинг ўзида мутахассисларнинг етишмаслиги, юқори малакали мутахассисларнинг мавжудлиги ва чет эллик муҳандислар, шифокорлар, олимлар ва бошқаларни фаол жалб қилиш билан бирга мутахассислар ўртасидаги ишсизликнинг юқори даражаси.

Учинчидан, меҳнат бозорининг тегишли секторининг ўсиши, меҳнати эркакларнига қараганда кам ҳақ тўланадиган ишлайдиган аёллар сонининг кўпайиши ва тадбиркорларнинг тўлиқ бўлмаган иш кунидан фойдаланиши ҳисобига кам ҳақ тўланадиган ишчиларнинг ўсиши.

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, Германиянинг шарқий штатларида иш ҳақи ғарбий штатларга қараганда тахминан 30% паст. Умуман олганда, шуни таъкидлаш керакки, Германияда ёшлар меҳнат бозори, иқтисодий ўсишга қарамай, умумий Европа тенденциялари ва ҳодисалари билан тавсифланади: гендер тенгсизлиги, касбий ишсизлик ва бўш иш ўринларини сифатли танлаш имкониятининг қисқариши.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасида бандлик ҳолатини таҳлил қилиш шуни қўрсатадики, ёшларни иш билан таъминлашнинг энг муҳим муаммоларидан бири бу ўрта ва олий ўқув юртларини тамомлаган ёш мутахассислар ўртасида ишсизликнинг ўсишига асос бўлган тайёрланаётган мутахассислар сони ва меҳнат бозори эҳтиёjlари ўртасидаги номувофиқлиkdir.

Бу ёшлар меҳнат бозорида ривожланаётган вазиятнинг акс таъсир томонларини ифодалайди. Ёшлар меҳнат бозорида рақобатбардошлигини ошириш мақсадида қўшимча таълим олиш, ўз касби бўйича семинар ва тренингларда қатнашиш, чет тиллари ва янги компьютер дастурларини ўрганиш орқали таълим даражасини оширишга ҳаракат қилмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, ёшларни иш билан таъминлашнинг расман рухсат этилган "бўш иш ўринлари ярмаркалари" ёки "бандлик хизматлари" каби воситалари бугунги кунда иш топишнинг энг самарасиз усуслари ҳисобланади. Ахборот оқимларининг тез ўсиши замонавий бизнес жараёнларини автоматлаштиришни талаб қиласди. Шу муносабат билан бугунги кунда ИТ-мутахассислари (тизим администратори ёрдамчисидан дастурчи-ишлаб чиқувчигача) минтақавий меҳнат бозорида катта талабга эга. Шундай экан, шакшубҳасиз, ИТ истиқболли йўналишлардан бири бўлиб, ёш авлод бу йўналишда таълим олиш ҳақида ўйлаши керак.

Меҳнат бозоридаги замонавий социологик тадқиқотларга кўра, нанотехнологиялар соҳасидаги мутахассисларга талаб юқори. Биокимё, генетика ва фармацевтика соҳасидаги мутахассислар учун яхши иш истиқболлари мавжуд. Кучли рақобат ва бозорнинг тўйинганлиги даврида юқори даражадаги ижодкорлик ва зукколикка эга бўлган маркетологлар ва реклама берувчиларнинг роли ошади. Шу муносабат билан, ижодий қобилияtlари ривожланган ёшлар реклама ва маркетинг соҳасида мартаба ҳақида ўйлашлари керак. Бугунги кунда йирик ишлаб чиқариш тармокларида муҳандис-техник кадрларнинг кескин

танқислиги кузатилмоқда. Саноат корхоналари учун бундай мутахассислар, шунингдек, ишчи кадрлар келгуси йилларда энг катта талабга эга бўлади. Атроф-муҳит, инсон саломатлиги, соғлиқни сақлаш ва бошқа муаммолар келгуси ўн йилликларда янада долзарб бўлиб қолади. Ва бу муаммоларни самарали ҳал қила оладиган мутахассислар меҳнат бозорида энг кўп талабга эга бўлади. Давлат меҳнат бозорида бандлик ва ёшлар бандлигини таъминлаш масалаларини ҳал этишда жуда фаол позицияни эгаллаши зарур. Бунинг учун, айниқса, ишчи кучи етишмайдиган тармоқларда ёш ишчиларни сақлаб қолиш бўйича комплекс чоратадбирлар ишлаб чиқиши зарур. Бундай сиёсатнинг асосий воситаси ҳудудий дастурлар, шунингдек, ёшлар учун иш ўринлари квоталари яратиш ҳисобланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки биринчидан, таълим тизимини зудлик билан меҳнат бозори эҳтиёжларига йўналтириш; иккинчидан, ёшларни иш билан таъминлаш масаласига давлат ижтимоий сиёсатининг асосий вазифаларидан бири сифатида қаралиши; учинчидан, касб-хунарга йўналтириш тизимини модернизация қилиш, мактаб ўқувчиларининг бошланғич синфлардан бошлаб касбий фаолиятнинг айрим турлари бўйича қобилиятини аниқлашнинг янада самарали механизмини яратиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Essen Universitaet Informationssystem Studienwahl und Arbeitsmarkt // <http://www.studis-online.de/Karriere/art-1584-studienwahl-und-arbeitsmarkt.php>

Germany - unemployment rate // <http://en.tradingeconomics.com/germany/unemployment-rate> (accessed 27 May 2018)

Institut der deutschen Wirtschaft: Soziale Umverteilung von obennachunten? // <http://www.nachdenkseiten.de/?p=3985> (accessed 27 May 2018)

O'ZBEKISTONDA "YASHIL ENERGETIKA"NI RIVOJLANTIRISH VA SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO'NALISHLARI

*N.N.Rasulova, katta o`qituvchi
Buxoro muhandislik-texnologiya instituti*

Mamlakatimizda “yashil iqtisodiyot”ni rivojlantirishning ustuvor yo'nalishlaridan biri iqtisodiyotda energiya va resurslar sarfini kamaytirish, ishlab chiqarishga energiya tejaydigan texnologiyalarni keng joriy etish, tiklanadigan energiya manbalaridan foydalanishni kengaytirish hisoblanadi.

Energiya samaradorligi iqtisodiy va ijtimoiy sohalarda energiya manbalaridan oqilona foydalanish, ishlab chiqarish sektori rentabelligi va raqobatbardoshligini oshirish hamda energiya tejashning muhim omili bo'lib, bu o'z navbatida energiya xavfsizligiga, ish o'rirlari yaratilishiga, aholi farovonligining o'sishiga va mamlakatning rivojlanishi uchun jiddiy ta'sir ko'rsatmoqda.

O'zbekiston iqtisodiyoti energiya va uglerod sig'imkorligi ko'rsatkichlari bo'yicha dunyoning birinchi o'nta mamlakatlari ro'yxatiga kiradi. Jahonda bir birlik yalpi ichki mahsulot ishlab chiqarish uchun sarflanayotgan energiya sarfi ko'rsatkichi